
КОРЕЯ КОМПАНИЯСИ БИЛАН ЁНҒИНДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ. ФАРҒОНАЛИК 300 НАФАР ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХОДИМЛАРИ КЕЛГУСИ ЙИЛ КОРЕЯДА МАЛАКА ОШИРАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Фарғонага Корея Республикасининг Инчхон делегацияси таркибида ташриф буюрган TDC компанияси президенти Чан Ин Чойни қабул қилди.

Корея-Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Эдвард Ким иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда Фарғона вилояти ҳокимлиги ва TDC компанияси ўртасида ёнғиндан ҳимоя қилиш ва саноат хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳар ҳудудида Корея компанияси инвестицияси ҳисобига замонавий турар-жойлар барпо этиш масаласи ҳам учрашув кун тартибидан ўрин олди.

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Ўзбекистондаги ривожланишнинг янги даврида кўп қаватли уйлар қурилиши жадал бораётгани, йирик ишлаб чиқариш объектлари сони муттасил ортиб бораётганини таъкидлаб, бу жараёнда аҳолини ва объектларни ёнғиндан ва фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш янада долзарблик касб этаётганини қайд этди. Вилоят раҳбари бу соҳада илғор Корея тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий этиш бўйича ҳамкорлик самарали бўлишига ишонч билдирди.

Мулоқот чоғида 2022 йил давомида Фарғонага Жанубий Корея томонидан 3 дона махсус ўт ўчириш автомобили ва 1 дона тиббий тез ёрдам техникаси, шунингдек, ҳимоя воситалари ва жиҳозлари бепул етказиб берилгани қайд этилди. Келгуси 2023 йилда яна 5 дона тиббий тез ёрдам техникаси етказиб берилиши Корея томонидан маълум қилинди.

Учрашув давомида фарғоналик 300 нафар ёнғин хавфсизлиги ходимларининг келгуси йил Корея томони ҳисобидан ушбу мамлакатда малака ошириши юзасидан келишувга эришилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги ва TDC компанияси ўртасида ёнғиндан ҳимоя қилиш ва саноат хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Қўчқоров ҳам иштирок этдилар.